


Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

“Таълимда ислоҳот-ўзгаришни ўзимиздан бошлайлик!”

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 2019 йил 28 август куни “Андижон шаҳар ёшлар маркази”нинг фаоллар залида “Таълимда ислоҳот-ўзгаришни ўзимиздан бошлайлик!” мавзусида Август кенгашининг ялпи йиғилиши ўтказилди.







Кенгаш йиғилишида Андижон вилояти ҳокими Абдураҳмонов Шуҳратбек Қўшақбоевич иштирок этиб, умумий ўрта таълим тизими мазмуни ҳақида атрофлича тўхталиб, янги 2019-2020 ўқув йилида халқ таълими тизими ходимлари олдидаги муаммолар ва долзарб вазифаларни белгилаб берди.Кенгаш доирасида халқ таълими соҳасини ривожлантиришдаги самарали меҳнатлари учун вилоят халқ таълими тизимидаги бир қатор таълим ходимлари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Вилоят ҳокимлиги
Матбуот хизмати